Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 22 сентябрь, пайшанба № 145 (21.749). Сотувда эркин нархда

ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз республиканинг олий орден ва медаллари билан тақдирланган эди. 20 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислом Каримов очди.

Муҳтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент. Маълумки, Мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнак кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз «Дўстлик» орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йиғилдик.

Лекин, ижозатларингиз билан, аввало сўзни ўша Фармонда биринчи бўлиб зикр этилган «Мустақиллик» орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, «Мустақиллик» ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъдодини Ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижоддаги саботи ва ҳалоллиги, авлодлар қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Ўша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зурёдларига Абдулла Қодирий орзу этган ва азиз жонини бағишлаган буюк мақсад — Мустақиллик номи билан юритиладиган энг биринчи орденни топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир» деб авлод-аждодларимизга васият қилган эканлар, дейди Ислом Каримов. Бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш — улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай ғояма-қсад билан яшаётган инсонлар бугун шу залда тўпланганлар.

Бугун сизларга — «Дўстлик» орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсатган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тараффлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун улкан ҳисса қўшаётган — адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлилар ва ишчилар — халқимиз вакилларини бағримга босмоқчиман ва уларни «Дўстлик» ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва ғурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга куч-ғайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Президент Ислом Каримов фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун «Дўстлик» орденига сазовор бўлганларга юксак мукофотларни топширди. Шунингдек, республика Миллий хавфсизлик хизмати раиси Ғ. Алиев ва Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоевга «Жасорат» медали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада кўрсатган матонат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган эди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ана шу юксак унвонни топшириб, «Олтин Юлдуз» олий нишонини юртбошимиз кўксига тақиб қўйди. Йиғилганлар Президент Ислом Каримовни олий мукофот билан қизғин қутлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Б. Рапиғалиев, А. Орипов, У. Аширбеков, Шукрулло, З. Муҳаммаджонов, Зулфия, И. Афанасьева, Т. Екель, В. Пак, Т. Каримова камтарона хизматлари юксак қадрлангани учун миннатдорлик билдириб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сўнгида. Бу ҳам бўлса, шу юртни бахтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз — Ўзбекистонга қўнган бахт қуши — тинчлик, осойишталик, барқарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халқимиз ризқ-рўзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун халқимга яна бир марта таъзим қиламан. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик!

Тантанали маросимда республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Аҳмад ХУЖА,
(ЎзА).

Суратларни Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

21 сентябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшма ва корпорациялар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қатнашди. Йиғилишда республика халқ хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва кун тартибига қўйилган масаланинг халқ хўжалигидаги ҳар қайси соҳа учун долзарб жиҳатлари хусусида гапирди.

— Қиш ҳар гал эшик қоқиб остонада тургандагина унга тайёргарлик кўриш зарурлиги ҳақида ўйлай бошлаймиз,— деди Ислом Каримов.— Ваҳоланки, ҳар йили халқимизни айнан бир хил муаммолар қийнайди. Гоҳ кўмир етмай қолади, гоҳ иссиқ сув қувурлари ишдан чиқади ёки чироқ ўчади, кўчада транспорт қатнамай қўяди. Нега шундай? Нега масъул раҳбарлар бурчини тушуниб етмаяпти? Ҳокимлар одамлар ташвишини олдиндан ўйлаши лозим эмасми?

Президент вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг халқ хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш бўйича қилаётган ишлари етарли эмаслигини таъкидлади. Мутасадди раҳбарларга халқ хўжалигининг барча тармоқларида қишга тайёргарликнинг боришини пухта таҳлил қилиб чиқиш, мўлжалланган қишолди ишларини тугаллаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш вазифалари юклатилди.

Мамлакатимиз Президентининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган республика комиссияси аъзолари жойларда бўлиб, қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай бажарилаётганини ўрганди. Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов ана шу комиссия текшируви хулосалари тўғрисида ахборот берди.

Энергетика ва электрлаштириш вазири В. Отаев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов, «Кўмир» акционерлик жамиятининг бош директори А. Лелеко, «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Б. Абдуғаниев ва бошқалар ўз тармоқларида қиш мавсумига ҳозирликнинг аҳволи ҳақида сўзладилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОҚУМИНИНГ XII ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЕТГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН НУҚТАИ НАЗАРИ ТЎҒРИСИДА

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги, унинг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланаётган ва диёримизда фуқаролар тинчлиги ҳукм сураётган бир даврда чақирилаётгани таъкидланади. Бунда, дейилади қарорда, XII чақириқ республика Олий Кенгашининг ҳиссаси алоҳидадир. Мазкур чақириқ Олий Кенгаши томонидан жамиятимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этувчи қонунлар мажмуасининг қабул қилиниши халқимиз ҳаётида тарихий воқеаларга айланди. Республика Президенти, Ўзбекистон ХДП депутатлар партияси Раиси И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг халқчиллигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Мамлакат Олий Кенгашида 370 дан ортиқ халқ депутатларини бирлаштирган Ўзбекистон ХДП депутатлар гуруҳи қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида фаол иштирок этди. Партиямиз аъзолари бўлган депутатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини жонлантиришга, фуқаролар орасида унинг обрў-эътибори ошишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика Олий Кенгашининг навбатдаги XVI сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар, шубҳасиз, Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлар гуруҳига XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессияси кун тартибини қўллаб-қувватлашни тавсия этди. Шунингдек, Сиёсий ижроқўм ҳисобот даврида мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши, уни сиёсий, конституцияви, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқимиз туб манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилган XII чақириқ Олий Кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари партиямиз гуруҳига самимий миннатдорчилик билдирди ҳамда келажакда ҳам улар ўз партиялари учун кенг қамровли ёрдамларини аямайдилар, деб ишонч билдирди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражадаги халқ депутатлари — партиямиз аъзолари билан биргаликда фуқаролар орасида Олий Кенгаш XVI сессияси якунларига доир ташкилий-сиёсий ва тушунтириш ишларини уюштириш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 22 сентябрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 22 сентябрь куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиямиз Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг котиблари ва республика Олий Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг ахбороти тингланиб, шу масала бўйича Ўзбекистон ХДПнинг нуқтаи назари аниқлаб олинди.

Республикамиз Олий Кенгашининг ҳар бир сессияси мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеадир. Уларда кўрилган аксарият масалалар ва қабул қилинган қонунлар Ватанимиз, жамиятимиз ривожланиши ва истиқболини белгилашда тақдириломон аҳамиятга эгадир. Улар Ўзбекистон Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, ислоҳотлар йўли учун мустаҳкам ҳуқуқий заминдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессияси мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги ва жамиятда фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланаётган, унинг халқаро обрў-эътибори ошиб бораётган бир даврга тўғри келди. Унинг кун тартибидаги масалалар Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси шулар жумласидандир. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда янги давлат тизимини шакллантириш томон қўйилган янги, салмоқли қадам бўлади.

«Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларни тайинлаш тўғрисида»ги қарорнинг сессияда қабул қилиниши билан мамлакатимизда ҳокимият вакиллик органларига сайловлар мавсуми бошланадики, у партиямиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Сиёсий ижроқўм Олий Кенгаш XVI сессияси кун тартибига мазкур ва бошқа муҳим масалалар киритилишини қўллаб-қувватлашни партиямиз депутатлар гуруҳига тавсия этди.

Мажлисда Тошкентдаги «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш буйича иши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Мураккаб иқтисодий шароитда муваффақият билан фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилмаётган бирлашмада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, кўпмиллатли жамоани жипслаштириш, одамларни ўз мамлакати, қадрдон корхонаси учун фахрланиш, ватанпарварлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадларда бу ерда Мустақиллик куни ва Наврўз сингари давлат ва умумхалқ байрамлари муносабати билан кўплаб маданий ва оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда, кўп нусхали «Электротехник» газетаси, завод радиоси ва кўргазмали ташвиқот воситаларидан фойдаланилмоқда. Бу ишларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ғояларини рўёбга чиқариш борасида муайян ижобий тажриба тўплаганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, ўз сафларини кенгайтириш, маҳаллий ахборот воситаларидан фойдаланишда талайгина имкониятлар борлиги ҳам мазкур ҳужжатда таъкидлангандир.

Шунингдек, мажлисда партия ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси ўз ишини бошлайди. Суратда сессия қатнашчиларидан бир гуруҳи.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Республикамиз мустақилликка эришиб, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугун бошланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига талай масалалар, шунингдек Қонун лойиҳаларининг қўйилиши ҳам фикримиз далили. Биз Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Бахтиёр ПЎЛАТОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

• *Юзма-юз*

ТУБ БУРИЛИШ

— Давлатимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Республикамиз ҳаётида, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳасида инқилобий ўзгаришлар юз берди. Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш асосий йўналиш, деб белгиланди, янги мулкчилик усуллари юзага келди.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси жиноят қонунчилигида ислоҳот ўтказишни тақозо қилди. Шу сабабли ҳам республикамиз Президентининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 20 майдаги 159-сонли фармойиши билан «Жиноят ва жиноят процессуал кодекслар» лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳлари тузилди. Унга ҳуқуқшунос олимлар, амалиёт ходимлари ва айрим соҳа мутахассислари жалб қилиндилар.

— Янги жиноят кодекси қандай талабларга жавоб бериши кўзда тутилган?

— Ижтимоий аҳвол ва шароитни, иқтисодий, сиёсий вазиятни эътиборга олиши, ҳозир ва келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган мақсадларни белгилаши; унда ҳуқуқий ва унга алоқадор илмлар ютуқлари акс эттирилиши; унинг ўрни, жиноятчиликнинг аҳволи, йўналиш тури; у билан кураш услуби илмий тушунчага асосланган ҳолда олиб борилиши шарт. Яна у «тежамли» бўлиши керак. Жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олишда, унга қарши курашишда мажбурлаш чораларини қўллаш керак бўлса-да, лекин у ҳал қилувчи восита эмаслигини тушуниб етиш; жазони, қилинган ҳаракатларга жиноят деб баҳо бериб, унга жиноий жавобгарлик масаласини кўзламоқ: у, умуминсоний демократик қонун-қоидаларга асосланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини, бизга янги бўлган, уюшган, касб қилиб олинган жиноятчилик, компютер жиноятчилиги, иқтисодий жиноятчилик, халқаро характерга эга бўлган жиноятчиликни ҳисобга олиши; ўзига, бутун дунё жамоасида ва Ўзбекистон унга қўшилган халқаро ҳуқуқ ва шартномаларга асосланган ва тўпланган илғор қонун яратувчиликни ўз ичига олиши керак эди. Шунга эришилди ҳам.

— Янги Жиноят кодексининг эскисидан асосий фарқи нималардан иборат?

— 1959 йил Жиноят кодекси қабул қилинганида 11 боб 257 моддадан иборат бўлиб, кейинчалик унинг кўп моддалари тепасига рақамлар қўйиш йўли билан яна қўшимча жиноят таркиблари киритилиб, бунинг натижасида кодекс моддалари амалда жуда кўпайиб, «семириб» кетган эди. Бу кодексдан керакли моддани излаб топиб олиш амри маҳол бўлиб, анча қийинчилик туғдирарди. Янги Жиноят кодекси лойиҳасида бундай камчиликлар бартараф қилинди.

Ушбу Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлик тизимларига асосланган-гандир.

Шахс жиноят содир қилгандагина жазога тортилади. Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб айбли деб топилиши мумкин эмас.

Жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятга бўлинади.

Илгаридаги кодексда жиноятларни бундай тафсифланиши, яъни тушунчалари кўрсатилмаган эди.

— Лойиҳадаги асосий янгиликларчи?

— Бу жиноятга янгича тушунча беришдан ташқари, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш каби жазонинг янги турларининг киритилишидир. Шу билан бир қаторда сургун, бадарға қилиш, жамоат иззаси бериш, озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш жазолари кам самара берганлиги учун жазо туридан чиқарилишидир.

Шу каби ҳукмнинг ижросини кечиктириш ҳам ўзини оқламагани сабабли янги кодексга киритилмаган.

— Янги кодекс лойиҳасида содир қилинган оғир жиноятлар учун жазо чоралари қандай белгиланган?

— Қасддан одам ўлдирганлик учун ҳаракатдаги Кодексда 8 йилдан 15 йилгача ёки ўлим жазоси, лойиҳа бўйича 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси.

Босқинчилик учун ҳаракатдаги Кодексда 12 йилдан 15 йилгача, янги лойиҳа бўйича 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш.

Номусга текканлик учун ҳаракатдаги кодексда 8 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси кўрсатилган бўлса, лойиҳа бўйича 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланган.

Бундай жазони кучайтириш ҳоллари оғир жиноят содир қилганларга нисбатан бошқа қонун нормаларида ҳам кўрсатилган.

Мен янги Жиноят кодекси лойиҳасининг баъзи жиҳатларинигина айтиб ўтдим, холос.

— Энди ҳаракатда бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПК билан янги кодекснинг лойиҳаси ўртасидаги асосий фарқларга тўхталсангиз.

— Фарқлар ҳақида гапиришдан аввал шуни қайд қилмоқ лозимки, янги ЖПКнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш, янгитдан бошланган бўлмай, балки ҳаракатдаги қонунларнинг асосий қоидаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Чунки бу қоидалар ўзининг яшовчанлигини бир неча ўн йиллар давомида исботлаб, Конституциямизда мустаҳкамланган судда иш юритишнинг асосий тизимларига жавоб бериб келган. Янги ЖПК лойиҳасига хорижий мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг муносабатларини тартибга солиш, чет эл фуқароларининг жавобгарлиги масалаларини белгилаш кабилар ҳам киритилган. Шундай янги қоидалар қаторига ҳусусан ЖПКнинг 5, 6, 8, 9, 10-моддалари киради.

Яна бир янгилик устида тўхталмоқчиман. Лойиҳада судья томонидан якка тартибда кўриладиган жиноят ишлар доираси анчага кенгайтирилиши муносабати билан амалиётда ҳаракатдаги номигагина ўтказилаётган, судга бериш босқичи судьялар томонидан якка тартибда ишлар кўрилишига тайинланиши босқичи билан алмаштирилди. Бундай ҳолат эса суд жараёнининг бу босқични номигагина ўтказилишига йўл қўймайди ва ишларни ўз вақтида кўрилишига ёрдам беради.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа янгиликлар судда жиноий ишлар кўрилишида судлар томонидан йўл қўйилаётган сансалорликларга барҳам берилишида ижобий натижа беради, деб ўйлаймиз.

— Жиноий ишни кўриш жараёнида прокурорнинг иштирокига доир масалаларчи?

— «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунни ҳисобга олган ҳолда янги Кодекс лойиҳасида бу масала бирмунча фарқли баён этилган. Шу қонунга мувофиқ прокурор суд жараёни иштирокчилари билан баробар тенг ҳуқуқлидир. Лекин прокурорга алоҳида, яъни янги кодекснинг 409-моддасида кўрсатилган ваколатлари, шунингдек, прокурорга суднинг ноқонуний қарорлари устидан юқори суд босқичларига кассация ва назорат тартибида протестлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Қурбон АЛИ суҳбатлашди.

Тарихдан маълумки, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил кечмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир ёш давлат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуриш режаларини ишлаб чиқади.

Ягона мақсадимиз — Мустақил давлатимизни қудратли давлатга айлантириш ва унда ҳуқуқий давлат қуришдир. Унинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Бу принцип шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ҳуқуқий давлатда давлат халқнинг иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига хизмат қилмоғи лозим.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозимлигининг Конституцияда ёритилиши давлатимиз томонидан қабул қилинган бу қонуннинг зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат эканлигидан дарак беради.

Қабул қилинган барча қонунларни меъёр даражасида бажариш, Ўзбекистон манфаатини ҳар қандай шахсий манфаатдан баланд қўйиш, республика имкониятини режалаб тараққиётимизни беш тамойил асосида қуришимиз юртимизда ҳуқуқий давлатни тиклашга асос бўлади.

Ҳуқуқий давлатни фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини яратмасдан ва оширмасдан туриб қуриб бўлмайди. Яқин ўтмишдан аёнки, ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаслигимиз оқибатида кўпчиликнинг бошига қанчадан-қанча мусибатлар тушди. Жабрини тортганлар қалбидан унинг асоратлари ҳали кетгани йўқ. Ҳақ бўлган тақдирда ҳам ҳақлигини Марказ деб аталмиш жойларга борганларида тушунтира билмаганлар.

Халқаро меъёрларга мос бўлган республика қонунлари устиворлигини таъминлаш юзасидан назорат юритишда прокуратура органларининг масъулияти оширилди. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун билан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири «қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилиш» эканлиги белгилаб берилди.

Мана яна бир ишга дадил қадам қўйилди. Бугун очиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлари лойиҳаси ва бир қатор қонун лойиҳалари тақдим этилди. Бу давлатимизда ҳуқуқ устиворлигига эришишнинг яна бир кўринишидир.

Бир пайтлар шу кунларни орзу қилардик. Урф-одатларимизни ҳурматлайдиган қонунларимиз бўлишини истардик. Мана ўша кун келди. Бизнинг бурчимиз ўз давлатимиз қонунларини нафақат билмоқ, балки уни чуқур англамоқдир. Чунки Қонуннинг қадрига етган киши Ватаннинг қадрига етади.

Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ,
адлия кичик маслаҳатчиси, ҳуқуқшунос.

СУРАТДА: сессия олдидан мулоқот.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ЎША КУН КЕЛДИ

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

КОТИБЛАР МУЛОҚОТИ

20 сентябрда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партиямиз Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари биринчи ва иккинчи котибларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг ҳозирги кундаги долзарб вазифалари» мавзусидаги маърузасини тинглаб, унда илгари сурилган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Муҳокамаларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик, Қорақалпоғистон республика, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоят кенгашлари биринчи котиблари А. Асанов, Ф. Омонов, С. Усмонов, А. Мирсалимов, Й. Суюнов, Ҳ. Эрматов ва бошқалар қатнашдилар.

Семинарда республикамизда ҳукмрон бўлиб турган сиёсий барқарорлик шароитида ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда партиямиз қўшаётган ҳиссани кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Партиямизнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш учун ташкилий-сиёсий ишларни, хусусан, Ўзбекистон ХДПнинг уч йиллиги муносабати билан кучайтириш, амалий ишларимиз, одамларга ҳамдард, ҳамнафас бўлиш орқали аҳоли турли қатламларининг обрў-эътиборини қозониш катта аҳамият касб этади. Айни пайтда ёшлар, зиёлилар, тадбиркорлар, фермерларнинг муносиб вакилларини партия сафларига тортиш ва ташкилотларимизнинг таъсир доирасини кенгайтириш жуда муҳимдир.

Кенгашда кўрилган масалалар юзасидан аниқ-равшан тавсиялар берилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

БИР-БИРИМИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙВЕРАМИЗ

Истиқлолнинг халқимизга берган бахт-саодати фақат иқтисодий ва сиёсий эркинлик билангина чекланиб қолмайди. Бу тушунча замирида кундалик турмушимизнинг, келажагимизнинг асл моҳияти, орзу ва интилишларимизнинг мазмуни ётади.

Туман партия кенгаши, фаолларимизнинг халқ ўртасида олиб бораётган ишлари жамиятнинг маънавий жиҳатдан бойиши ва поклашишга Ватанимиз тараққиётига кўмаклашиши лозимлигини асосий вазифа қилиб белгилаганмиз. Зиёлилар, ёшлар, фахрийлар билан учрашувлар, мулоқотлар ҳамда мазкур ижтимоий табақалар, гуруҳлар ўртасида партиявий мавқеимизни мустаҳкамлаб бораётганимиз ўз самарасини беряпти.

Ўтган уч йил ичида туманимиздаги 144 нафар зиёли, 193 нафар ёшлар партия сафига қабул қилинди. Улар орасида Жиззах чўлини боғу бўстонга айлантираётган қурувчилар, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги, савдо, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият ва бошқа соҳаларнинг вакиллари бор.

Бугунги кунда 1583 нафар партия аъзосини бирлаштирган туман партия кенгашида 40 га яқин миллат ва элат вакили бир оила фарзандидек қўлни-қўлга бериб самарали меҳнат қилмоқда.

Туманимизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ҳозир туман партия кенгаши, фуқаролар йиғинлари ва жамоат ташкилотлари миллий масалага алоҳида эътибор бераётир. Биз миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, биродарлик туйғуларини қарор топтиришимиз, турли миллат вакилларини бир-бирларининг тилига, маданиятига эътиборли бўлиш руҳида тарбиялашимиз зарур. Миллий қадриятга, унинг сиёсий ва ижтимоий соҳаларда тенглигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Бундан кейин ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, бамаслаҳат иш юритиб, ҳар ишда муваффақиятлар қозонаверамиз.

А. УСКАНОВ,
ЎзХДП Зарбдор туман кенгашининг биринчи котиби.

ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА БАРОБАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ УРИНБОСАРИ, 3-КЛАСС АДЛИЯ ДАВЛАТ МАСЛАҲАТЧИСИ АБДУРАШИД ҲАМИДОВИЧ ҚОДИРОВ БИЛАН СУҲБАТ

САВОЛ: Вақти-вақти билан айрим чет эл оммавий ахборот воситалари гўёки Ўзбекистонда баъзи мухолифат аъзоларини таъқиб остига олиш ҳоллари борлиги ҳақида ахборот тарқатмоқдалар. Жумладан, «Озодлик» радиосининг хабарига кўра, «Эрк» партиясининг бир гуруҳ аъзолари ушланиб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилганмиш. Бунга мухолифатни таъқиб этиш деб қараб бўладими? Агар йўқ бўлса, Ўзбекистон фуқаролари, жумладан М. Жўраев ва Э. Ашуровлар ҳибсга олинганининг сабаби нимада ва сиз бу ҳолни қандай шарҳлаган бўлардингиз?

ЖАВОБ: Мухолифатчи партиялар ва ҳаракатларни таъқиб этиш ҳоллари тергов органларига маълум эмас. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 34-моддасини келтириб ўтмоқчиман: «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас». Ўзбекистоннинг барча ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари мамлакат асосий Қонунининг талабларига ўз фаолиятларида оғишмай риоя қилмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан бир гуруҳ шахсларга, улар орасида «Эрк» партиясининг аъзолари ҳам бор, жиноий иш қўзғатилган. Улар аниқ жиноий қилмишлари учун айбланадилар. Жумладан, ўша Ашуров қўшни давлат ҳудудида муқаддам қилган жиноий иши учун қидирилаётган чоғида ушланди. Тергов мобайнида шу нарса аниқландики, у, шунингдек Жўраев ва унинг бошқа ҳаммаслаклари давлатга қарши алоҳида хавфли жиноятни тайёрлаш ва амалга оширишга қаратилган фаолият билан шуғулланиб келганлар.

Терговда уларнинг республикамизда аҳволни кескинлаштириш, миллатлараро низо туғдиришга, бир сўз билан айтганда юртимиздаги барқарорликни бузишга қаратилган фаолиятга дахлдорлиги аниқланди. Ана шу мақсадларда улар томонидан сохта ҳужжатлар бўйича 18—20 ёшли, турли найранглар билан алдангач бир гуруҳ ёшларни гўёки ишбилармонлик, бозор иқтисодиётини ўрганиш учун хорижга юбориш ташкил этилган. Аслида эса алданган йигитларнинг ўзлари тан олганларидек, уларни қўл жанги усулларини ўрганишга, Ўзбекистон ҳудудида қўпорувчилик ишларини амалга ошириш учун махсус тайёргарлик кўришга мажбур қилганликлари аниқланмоқда.

Тергов давомида бу ташкилот аъзолари номлари, уларнинг қаерда йиғилиши, Ўрта Шарқ мамлакатларидан бирининг ҳудудида экстремистик ташкилотларнинг жангарилар тайёрлаш лагерлари жойлашган жойи аниқланди. Табийки, бу ишнинг тафсилотларини маълум қилишнинг ҳозирча имкони йўқ, аммо бўлажак очиқ суд жараёнида барча материаллар тақдим этилади.

Бизга маълумки, «Эрк» партиясининг етакчиси С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) хорижда сўзга чиқиб, яширин ташкилот тузгани, «яқин орада ўзини кўрсатиши» ва шу кабилар ҳақида гапирган. Бундай чиқишларга жавобан «Бирлик» етакчиси А. Пўлатов «Озодлик» радиосида эркчиларнинг куч ишлатиш ва экстремизмга таянишларини қоралаб гапиришга мажбур бўлди. А. Пўлатов шундай деди: «Биз Муҳаммад Солиҳ баёноти ва унинг хатти-ҳаракатлари келтириши мумкин бўлган оқибатлар юзасидан ошкора гапиришга қарор қилдик. Буни ушбу баёнотдан шунчаки ўзини соқит қилиш деб эмас, балки эркчиларнинг ўзларини огоҳлантириш деб ҳам тушуниш керак».

Яна бир марта таъкидлаб ўтаманки, мен юқорида номларини тилга олган айбланаётган шахсларнинг хатти-ҳаракати жиноий характерга эга. Бундай хатти-ҳаракатлар ўз хавфсизлигини ҳимоя қилувчи ҳар қандай демократик давлат ҳудудида уларни амалга оширган шахсларни судга тортиш учун асос бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

САВОЛ: Узингиз айтганингиздек, бу шахсларнинг Ўрта Шарқ давлатларидан бирида туриши Ўзбекистоннинг бу мамлакат билан икки томонлама муносабатларига таъсир этмайдими?

ЖАВОБ: Ўйлайманки, йўқ. Экстремистик кайфиятдаги доиралар юқорида айтиб ўтилган ноқонуний хатти-ҳаракатларни бизга энг яқин дўст давлатнинг қонунлари ва Конституциясини бузган ҳолда олиб боришга уринганлар. Бу масалада биз унинг давлат тизимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қиляпмиз.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида ишчи ҳам, деҳқон ҳам, чорвадор ҳам, зиёли ҳам пахтакорга айланган.

Бағдод туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 1315 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олишни режалаштиришган. Мамлакатимиз Президентининг Фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори туфайли хўжалик аъзолари ўз моддий манфаатдорликларини янада ошириш учун интилишаяпти.

Хўжаликнинг 4-бригадаси аъзолари 80 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни ўтган йилгидан анча оширишмоқчи. Айни пайтда улар хўжалик бўйича пешқадамлик қилишаётир.

Суратда: илғор пахтакор Жамилахон Ийлдошева (ўнгда) дугоналари даврасида.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

„Оқ олтин" жирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАНЕРЛАШ БЎЙИЧА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	3.32	48.70	0.29	1.19
Хоразм	2.55	37.20	0.11	0.29
Навоий	2.80	33.98	0.63	2.92
Сурхондарё	2.59	32.36	1.09	6.70
Самарқанд	2.56	29.60	0.96	6.26
Фарғона	1.31	26.30	0.01	0.69
Андижон	1.29	22.41	0.01	0.12
Қашқадарё	2.63	21.91	1.12	5.63
Наманган	1.35	13.04	0.05	0.42
Қорақалпоғистон Республикаси	1.46	11.51	0.11	0.35
Жиззах	0.75	6.78	0.17	0.73
Тошкент	0.62	5.96	0.10	0.11
Сирдарё	0.27	4.26	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1.80	22.47	0.36	1.99

ЭГАТЛАРГА СОЧИЛГАН ОРЗУ

Юртбошимиз Қашқадарёда бўлганида Қамашидаги «Чим» жамоа хўжалигининг жонкуяр пахтакори Раҳмон Қўчқоров билан учрашиб, суҳбатлашган эди. Бугун унинг даласига оппоқ нур энган.

— Президентимизнинг биз экаётган «Юлдуз» нави, турмушимиз билан қизиққани ҳақида ўйлайман,— дейди Раҳмон Қўчқоров.— Энди билсам, у киши ғалла, пахтанигина эмас, юрт, одамлар тақдири ҳақида кўпроқ ўйлар эканлар. Бу йил туманда ғалла мўл бўлди.

«Чим» тумандаги йирик пахтакор хўжалик. Ўтган йили давлатга 4 минг тоннадан ошиқ пахта сотилди. Бу йил суғориладиган майдонларнинг анчагина қисми дон учун ажратилди. Аммо хирмон 3 минг тоннадан кам бўлмади.

Қамаши — улкан дашт бағридаги ғалдакор ва пахтакор туман. Ўтган йили режадагидан 7 минг тонна кўп, жами 40 минг тонна пахта сотилган эди. Бу йил ғаллазорлар кўпайиб, қолган 11 минг гектар майдонга пахта экилган. Туман ҳокими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Рашид Бозоров билан учрашдик. У киши мустақиллик байрами арафасида «Шуҳрат» медали билан мукофотланган эди. Қутлуғ нишон билан табрикладик.

— Раҳмат,— деди у.— Юрт ишончини ҳис қилиб турмасанг ишингда барака бўлмайди. Ҳар биримиз юртимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашимиз лозим. Ўтган йили жумҳуриятда иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш режаси бажарилган эди. Бу йил ҳам пахтакорларимизнинг ғайрати баланд. Қишлоқларимизда бошланган ислоҳотни тўла амалга оширишда пахтанинг қадрини, қимматини катта-ю кичик яхши билади. Вақти келадики, пахтамизни ўзимиз йигириб, ўзимиз тўқийдиган бўламиз. Шундай корхона қуриш лойиҳаси бор. Ҳадемай бу орзу ҳақиқатга айланади.

Ҳозирча далаларда терим авжида. Пешона тери эвазига мўл ҳосил етиштирган миришкорлар унинг мисқолини нобуд қилмай, қисқа муддатда саранжомлаб олиш учун бир ғайратга-ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Биз билган ва билмаган тарих*

МУҲАММАД ТАРАҒАЙМИ — УЛУҒБЕКМИ?

Соҳибқирон Амир Темурнинг тўртинчи ўғли 18 ёшли Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли Улуғбек Мирзо ҳижрий 796 йил 19 жумод ул аввал, мелодий 1394 йил 22 март якшанба куни Ироқи Ажамнинг Султония шаҳрида дунёга келди. Унинг онаси малика Гавҳаршодбегим эди. Янги меҳмоннинг ёруғ дунёга келиши, соҳибқирон Амир Темурнинг «беш йиллик юриши» пайтига тўғри келган эди. Бинобарин, соҳибқирон ҳарамига мансуб бўлган маликалар ва ёш болалар, лашкарнинг ўғруқида (ўрдугоҳ) Сарой Мулкхоним (Бибихоним) бошчилигида Султонияда турардилар. Амир Темур эса Ироқнинг шимолидаги Мордин қалъасини ишғол қилиш учун жанг олиб борар эди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, Темур тарафидан ўрнатилган қатъий тартиб ва анъанага кўра, қайси бир малика ҳомиладор бўлса, уни ҳомиладан бўшаниш муддати яқинлашгач, унинг қаерда яшаётганидан қатъий назар уни Темур саройига олиб келинарди ва шу ерда кўзи ёрирди. Бола туғилгач, дарҳол уни бошқа бир малика тарбиясига топширилар ва энагалар тайинланар эди. Боланинг онасини эса маълум муддатдан сўнг ўз жойига жўнатиб юборилар эди. Бундан кўзланган мақсад, ҳар бир туғилган бола чақалоқлигидан бошлаб бегона она тарбиясида эрка ва тантиқ бўлиб эмас, аксинча чидамли, бир сўзли, қатъиятли ва жасур бўлиб вояга етиши лозим эди. Шу боис бўлса керак, гарчи Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи Самарқандда бўлса-да, унинг ёш хотини малика Гавҳаршодбегим қайин отаси Темур ўрдугоҳида эди.

Улуғбек туғилгач, Сарой Мулкхоним Шоҳруҳ Мирзонинг фарзанд кўрганлиги ҳақида хушхабарни Амир Темурга етказиш учун чопар юборади. Шарафуддин Али Яздийнинг берган маълумотига кўра, бу хушхабар соҳибқироннинг Мордин қалъасини забт этган кунига тўғри келган. Амир Темур мазкур хушхабардан бағоят хушнуд бўлиб, янги меҳмон пойи қадамини шарафлаб, шаҳар халқига омонлик бериб, хирождан воз кечган ва шаҳар ҳокимлик мансабини собиқ ҳоким амир Султон Исонинг укаси амир Султон Солиҳга инъом қилиб, ўзи орқага қайтган.

Янги меҳмонга Муҳаммад Тарағай деб ном берадилар. Тарихчи Аҳмад Рафиқнинг олти жилдлик «Буюк тарихи умумия» номли асарининг тўртинчи жилдида (Истанбул, ҳижрий 1327, мелодий 1909 йилда чоп этилган) Тарағай сўзи эски туркча «Тарла» қуши номи билан боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритилган. Маълумки, бу ном Темурнинг марҳум отасининг номи бўлиб, ҳали Темурий шаҳзодалардан ҳеч бирига берилмаган эди. Лекин кўп ўтмай чақалоқнинг ҳақиқий исми тилдан тушиб, унинг ўрнига Улуғбек деб атала бошланди. Энди, нима учун чақалоққа қўш исм берилган ёки Улуғбек деб аталишига бирор сабаб бормикан деган ҳақли савол туғилади.

Бу соҳада кўпгина фикрлар мавжуд. Чунончи айрим тарихчилар Муҳаммад Тарағай Темурнинг энг севикли набираси бўлган. Шунинг учун уни эркалаб Улуғбек деб аташган деб тахмин қилсалар, айримлари Улуғбекнинг келажакда жаҳонга машҳур аллома бўлиб донг таратажагини унинг ёшлигиданоқ Темур сезган эди, деган ақидани илгари сурадилар. Тўғри, Амир Темур Улуғбекни яхши кўрган. У билан тез-тез ҳар соҳада сўзлашиб турган. Шунингдек, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида бошқа набиралари қаторида Улуғбекни ҳам ўз ёнида олиб ўтирган. Аммо Темурнинг Улуғбекдан ҳам ардоқлироқ набиралари бўлган-ку. Тарихдан маълумки, Улуғбеккача туғилиб ўсган ҳатто мамлакатни идора қилишда фаол қатнашаётган набиралари бор эди. Масалан, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг (1356—1376) ўғли Муҳаммад Султон Мирзо (1376—1403) Темурнинг энг суюкли ва арзанда набираси ҳамда вали аҳди эди. Шунингдек, Мироншоҳ Мирзонинг (1366—1408) учинчи ўғли Халил Султон Мирзо (1384—1411) ҳам Темур бошлиқ сарой аҳлининг энг севикли шаҳзодаларидан бири эди. Хўш, нима учун Муҳаммад Султон Мирзо ёхуд Халил Султон Мирзога Улуғбек номи берилмаган. Ҳолбуки, мазкур шаҳзодалар ўз жасорати, ақл-идроки ва тадбиркорликлари билан Темурни мафтун қилган эдилар-ку. Зотан, Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли Муҳаммад Тарағайга Улуғбек номи берилиши ажиб бир ҳол. Чунки Муҳаммад Тарағай ҳали ёш чақалоқ, аниқроғи, мурғак гўдакка, ҳали ким бўлиб етишиши номаълум бўлган ёш болага Улуғбек деб ном берилиши ҳақиқатан ҳам ажабланарли.

Академик В. В. Бартольднинг фикрича, Улуғбек деган унвон ўз даврининг таомилига мувофиқ, Темурнинг ўзига хос унвони эди. Зотан, Темур сулоланинг бошлиғи сифатида бу номга лойиқ эди. У ҳолда нима учун Муҳаммад Тарағайга — Улуғбек номи берилган. Бунда ёш Муҳаммад Тарағайнинг қайси жиҳатлари ҳисобга олинган? Ёки мунажжимларнинг қуръаларига қараб, унинг истиқболи аниқ кўрилганми? Бироқ Темур ўз ҳаёти давомида мунажжимларнинг қуръаларига унчалик ишона бермаган. Шундай экан, нима учун ёш болага Улуғбек деган ном берилган, деган ҳаққоний савол такроран туғилаверади.

Ислом оламида диний бир ақида ҳукмрон бўлиб, мазкур ақида Марказий Осиё халқлари ўртасида ҳозиргача давом этиб келади. Мисол учун бир киши ўз отаси ёки бобосининг номини ёхуд ўз хонадонига азиз ва мўътабар бўлган бирор улуғ инсоннинг номини муқаддас тутиб, ўз фарзандини шу ном билан тоқ атамаслик, ҳатто унинг номига «хон» ёки «ота» ибораларини қўшиб аташ, мисол учун Юсуфхон ёки Юсуф ота деб мурожаат қилиш кўп ҳолларда эса болани сиғлаб чақириш одати мавжуд.

Модомики шундай экан, Темур ҳам ўз замонасининг шундай таомилидан четлаб ўтолмаган. Бинобарин, Темур ўз отасининг номини абадийлаштириш мақсадида Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғлига Муҳаммад Тарағай деб ном берган. Лекин кўп ўтмай чақалоқнинг ҳақиқий исми тилдан тушиб, унинг ўрнига Улуғбек деб атала бошланди. Энди, нима учун чақалоққа қўш исм берилган ёки Улуғбек деб аталишига бирор сабаб бормикан деган ҳақли савол туғилади.

Бу соҳада кўпгина фикрлар мавжуд. Чунончи айрим тарихчилар Муҳаммад Тарағай Темурнинг энг севикли набираси бўлган. Шунинг учун уни эркалаб Улуғбек деб аташган деб тахмин қилсалар, айримлари Улуғбекнинг келажакда жаҳонга машҳур аллома бўлиб донг таратажагини унинг ёшлигиданоқ Темур сезган эди, деган ақидани илгари сурадилар. Тўғри, Амир Темур Улуғбекни яхши кўрган. У билан тез-тез ҳар соҳада сўзлашиб турган. Шунингдек, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида бошқа набиралари қаторида Улуғбекни ҳам ўз ёнида олиб ўтирган. Аммо Темурнинг Улуғбекдан ҳам ардоқлироқ набиралари бўлган-ку. Тарихдан маълумки, Улуғбеккача туғилиб ўсган ҳатто мамлакатни идора қилишда фаол қатнашаётган набиралари бор эди. Масалан, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг (1356—1376) ўғли Муҳаммад Султон Мирзо (1376—1403) Темурнинг энг суюкли ва арзанда набираси ҳамда вали аҳди эди. Шунингдек, Мироншоҳ Мирзонинг (1366—1408) учинчи ўғли Халил Султон Мирзо (1384—1411) ҳам Темур бошлиқ сарой аҳлининг энг севикли шаҳзодаларидан бири эди. Хўш, нима учун Муҳаммад Султон Мирзо ёхуд Халил Султон Мирзога Улуғбек номи берилмаган. Ҳолбуки, мазкур шаҳзодалар ўз жасорати, ақл-идроки ва тадбиркорликлари билан Темурни мафтун қилган эдилар-ку. Зотан, Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли Муҳаммад Тарағайга Улуғбек номи берилиши ажиб бир ҳол. Чунки Муҳаммад Тарағай ҳали ёш чақалоқ, аниқроғи, мурғак гўдакка, ҳали ким бўлиб етишиши номаълум бўлган ёш болага Улуғбек деб ном берилиши ҳақиқатан ҳам ажабланарли.

Академик В. В. Бартольднинг фикрича, Улуғбек деган унвон ўз даврининг таомилига мувофиқ, Темурнинг ўзига хос унвони эди. Зотан, Темур сулоланинг бошлиғи сифатида бу номга лойиқ эди. У ҳолда нима учун Муҳаммад Тарағайга — Улуғбек номи берилган. Бунда ёш Муҳаммад Тарағайнинг қайси жиҳатлари ҳисобга олинган? Ёки мунажжимларнинг қуръаларига қараб, унинг истиқболи аниқ кўрилганми? Бироқ Темур ўз ҳаёти давомида мунажжимларнинг қуръаларига унчалик ишона бермаган. Шундай экан, нима учун ёш болага Улуғбек деган ном берилган, деган ҳаққоний савол такроран туғилаверади.

Ислом оламида диний бир ақида ҳукмрон бўлиб, мазкур ақида Марказий Осиё халқлари ўртасида ҳозиргача давом этиб келади. Мисол учун бир киши ўз отаси ёки бобосининг номини ёхуд ўз хонадонига азиз ва мўътабар бўлган бирор улуғ инсоннинг номини муқаддас тутиб, ўз фарзандини шу ном билан тоқ атамаслик, ҳатто унинг номига «хон» ёки «ота» ибораларини қўшиб аташ, мисол учун Юсуфхон ёки Юсуф ота деб мурожаат қилиш кўп ҳолларда эса болани сиғлаб чақириш одати мавжуд.

Модомики шундай экан, Темур ҳам ўз замонасининг шундай таомилидан четлаб ўтолмаган. Бинобарин, Темур ўз отасининг номини абадийлаштириш мақсадида Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғлига Муҳаммад Тарағай деб ном берган. Лекин кўп ўтмай чақалоқнинг ҳақиқий исми тилдан тушиб, унинг ўрнига Улуғбек деб атала бошланди. Энди, нима учун чақалоққа қўш исм берилган ёки Улуғбек деб аталишига бирор сабаб бормикан деган ҳақли савол туғилади.

Бу соҳада кўпгина фикрлар мавжуд. Чунончи айрим тарихчилар Муҳаммад Тарағай Темурнинг энг севикли набираси бўлган. Шунинг учун уни эркалаб Улуғбек деб аташган деб тахмин қилсалар, айримлари Улуғбекнинг келажакда жаҳонга машҳур аллома бўлиб донг таратажагини унинг ёшлигиданоқ Темур сезган эди, деган ақидани илгари сурадилар. Тўғри, Амир Темур Улуғбекни яхши кўрган. У билан тез-тез ҳар соҳада сўзлашиб турган. Шунингдек, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида бошқа набиралари қаторида Улуғбекни ҳам ўз ёнида олиб ўтирган. Аммо Темурнинг Улуғбекдан ҳам ардоқлироқ набиралари бўлган-ку. Тарихдан маълумки, Улуғбеккача туғилиб ўсган ҳатто мамлакатни идора қилишда фаол қатнашаётган набиралари бор эди. Масалан, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг (1356—1376) ўғли Муҳаммад Султон Мирзо (1376—1403) Темурнинг энг суюкли ва арзанда набираси ҳамда вали аҳди эди. Шунингдек, Мироншоҳ Мирзонинг (1366—1408) учинчи ўғли Халил Султон Мирзо (1384—1411) ҳам Темур бошлиқ сарой аҳлининг энг севикли шаҳзодаларидан бири эди. Хўш, нима учун Муҳаммад Султон Мирзо ёхуд Халил Султон Мирзога Улуғбек

• *Ислоҳот — амалда*

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Қўҳна ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрида хусусийлаштириш бўйича минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, унинг Хоразм вилоят бошқармаси, республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоятдаги филиали, шунингдек Американинг «Прайес Уотерхаус» компанияси ушбу анжуман ташаббускори бўлишди. Амалий анжуманда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, давлат мулкини бошқариш бошқармалари раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар қатнашдилар.

Семинар-кенгашни очган Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Т. Дўстчанов вилоятдаги иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида атрофлича сўзлаб берди, хусусийлаштириш юзасидан тўпланган тажриба билан ўртоқлашди.

Анжуман қатнашчиларида республика кўчмас мулк биржаси раисининг ўринбосари О. Мираҳмедов, «Прайес Уотерхаус» компаниясининг Ўзбекистонда ишлаётган гуруҳи раҳбари Р. Беренстром чиқишлари катта қизиқиш уйғотди. Улар йиғилганларнинг кўпгина саволларига батафсил жавоб бердилар. «Оверсиз Стратиджик Консалтинг» халқаро хусусийлаштириш гуруҳининг мутахассислари М. Кашер, Стив Мотт, Майкл Алкорнлар хусусийлаштиришнинг моҳияти ва истиқболини республиканинг ҳар бир фуқаросига етказиш ва тушунтириш бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгаш иштирокчилари қадимий Хиванинг диққатга сазовор жойлари билан, хусусийлаштирилган қатор корхоналар ишлари билан яқиндан танишдилар. Шу куни Хивада учинчи марта ким ошди савдоси ҳам бўлиб ўтди. Савдога қўйилган 4 та кўчмас мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топди. «Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти сари қўйилган яна бир одимдир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОШАДИ

Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» яжара ширкатлар бирлашмаси жамоасининг бу йилги пахта ҳосилидан умиди катта. Бирлашма жамоаси 8,5 минг тонна пахта тайёрлашга қарор қилган. Пахтаси очилган майдонларда қўл билан саралаб теришга киришилди. Машиналар ҳам майдонга тушди.

— Бу йил ҳосилимиз рентабеллигини 70 фоизга оширамиз,— дейди бирлашма раҳбари Пўлат Мамарасулов.— Фақат пахтанинг ўзидан 12 миллион сўм даромад қилиш кўзда тутилянти. Мавсумда 150 тонна пахта терган механизатор камида 18 минг сўм нақд пул олади. Қўл теримида илғорлик қилган теримчи бемалол 7—8 минг сўм ишласа бўлади...

Бирлашмада 110 та терим машинаси, 600 нафар теримчи ёрдамида ҳосилни йиғиштириб олиш режалаштирилган. Ҳосил узоғи билан 35—40 иш кунида тўлиқ териб олиниши керак. Теримчиларга ҳамма шароит яратиб берилган. Миллий сўмимизнинг қадрини ошириш учун меҳнаткашларга натура ҳақ бериш йўлга қўйилмоқда. Мавсум олдидан ҳар бир ишчига мой, совун, шакар, 50 килограммдан пиёз ва бошқа зарур озиқ-овқатлар берилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида Америка ҳукуматининг инглиз тилини ўргатишни қўллаб-қувватловчи дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир АҚШнинг ахборот хизмати (ЮСИС) ва тинчлик корпуси томонидан ташкил этилди. Шу ўқув йили мобайнида республикамиздаги олий ўқув юртлари, мактабларга китоблар, видео ва аудиокассеталар, шунингдек қиймати 25 минг АҚШ долларига тенг ўқув қўлланмалари тақдим этилади. Тинчлик корпусининг кўнгилли вакиллари турли касб ва ёшдаги кишиларга инглиз тилини тез ва муқаммал ўрганишларига яқиндан ёрдам берадилар.

СУРАТДА: тақдимот пайти акс этган.
Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Пастдарғом тумани ҳокимининг қарори билан ҳар ҳафтанинг биринчи иш куни фермерларга қулайлик яратиш учун «Фермерлар куни» деб эълон қилинди. Бундан мақсад — фермер бўлиш истагида юрган туман аҳолисининг куч ва имкониятини ўрганиш ҳамда бу соҳага қадам қўяётган фермерларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик эътибори уларга қаратишдир.

Маълум бўлишича, энди иш бошлаётган ёш фермер ўз ҳужжатини тўла расмийлаштириб олиши учун камида 17 дан кўпроқ турли маҳкама ва идоралар остонасида сарғайиб туриши керак экан. Кўпчиликнинг гапига қараганда бундай «синов»ларга ҳамма ҳам дош беролмайди.

Бу каби муаммоларни эътиборга олган туман ҳокимлиги шу йўл билан иш бошловчи фермер хўжаликларига ёрдам беришга қарор қилди. Ҳар ҳафтанинг олдиндан белгиланган куни да бу ҳаракатга даҳлдор бўлган барча идораларнинг раҳбарлари туман деҳқончилик уюшмасига тўпланадилар. Улар шу ернинг ўзида иш бошловчи фермерларга ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам берадилар. Уларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарадилар.

Туман ҳокимиятининг бу тадбири кўпчиликка қўл келмоқда. Шу боисдан ўтган уч ой ичида фермерлик истагида, халқ фаровонлигини юксалтириш ниятида бўлган 40 га яқин киши ариза билан ёрдам сўради.

Муҳайё ТУРҒУНОВА,
ТошДУ талабаси.

Соғлом авлод учун

ҲАМ ДАВОЛАНАДИ, ҲАМ ДАМ ОЛАДИ

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги «Ёшлик» болалар оромгоҳи ҳар йили ёзда Пешку тумани ўқувчиларининг ҳордиқ маскани вазифасини ўтар, қолган пайтларда эса ҳувиллаб турарди.

Туман ҳокимлиги бу оромгоҳдан йил — ўн икки ой фойдаланишнинг йўлини топди. Энди шу жойда туман марказий касалхонаси янги — туғиш ёшидаги оналар учун соғломлаштириш бўлими очилди.

Айни пайтда бўлимда 30 бўлажак она ҳам даволаниб, ҳам маданий дам олаётир. Бу соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш йўлида қўйилган ҳайрли қадамлардан бири бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯШИЛ ШАҲАР ШУКУҲИ

— Шаҳрисабз — етти иқлимга машҳур султони соҳибқирон, жаҳонгир Амир Темурни берган муаззам жаннатмакон ва табаррук шаҳардир,— деди Шаҳрисабз шаҳар ҳокими, ЎзХДП аъзоси Азим Олимович Зайниддинов «Яшил шаҳар»нинг бугуни ва келажаги тўғрисида сўз юритар экан, — тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, эрамизгача бўлган икки минг йилликларда ҳам бу шаҳар ўрни ва атрофида одамлар яшаб, деҳқончилик қилган. Шаҳрисабз ҳозир ҳам заминнинг исталган буржида Темур ҳайратларига илинган ҳар қандайин кимсани бир кўришга зору интиқ қиладиган шаҳар.

Мустақиллик шарофати туфайли 1992 йил июнь ойида шаҳар ҳокимлиги тузилди. Ўтган қисқа давр ичида шаҳар ҳокимлиги раҳбарлигида иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Шаҳримиз 1240 гектар майдонни ишғол қилади. 23 та маҳалласи бор. Ҳокимлик ўз фаолиятини ана шу маҳаллалар меҳнаткашлари билан учрашувлардан бошлади. Бундай мулоқотлар маълум дастур ва режа асосида мунтазам ўтказиладиган бўлди. Ҳоким, ҳоким ўринбосарлари тармоқлар раҳбарлари билан ҳафтада бир марта учрашиб туришни ўзимизга одат қилиб олдик.

Шаҳримиз — саноатчилар шаҳри. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда вилоятда етакчи ўринда туради. Шароб, ароқ, консерва маҳсулотлари, пишлоқ ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Сабаби, саноат корхоналари мулкка ва меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартиришда ва бу соҳада ислоҳотни тезлаштириш юзасидан қатор тадбирларни кўрдилар. Натижада шу йилнинг олти ойида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,3 фоизга кўпайди. 327 минг шартли банка консерва, 4,2 минг деколитр вино, 362 минг сўмлик заргарлик маҳсулоти, 784 тонна нон маҳсулоти, 3 тонна пишлоқ, 53 тонна колбаса, 5 минг жуфт пайпоқ кўп ишлаб чиқарилди. Шаҳарда қадимий миллий ҳунармандчилик тикланди. 140 та шахсий, оилавий, жамоа мулк шаклидаги корхоналар ишлаб турибди. Халқ усталари иши жонланди. «Чарос» тадбиркорлар жамоаси атлас, беқасам, олача, «Искандар» корхонаси эса лойдан ясалган рўзғор буюмлари, «Нодира», «Нилуфар» кичик корхоналари пойабзал, «Чеҳра» корхонаси гилам ишлаб чиқариб, шаҳар бозори ва дўконларини тўлдирмоқда.

Ҳокимликнинг 1994 йил режасига кўра, йирик саноат корхоналари ва дорихоналарни хусусийлаштиришни мўлжалламоқда. Яқинда «Кеш» меҳмонхонаси, парандачилик корхонаси, «Олтин хўрозча» биноси «Ким ошди» савдосига қўйилди.

Кўпгина ёпиқ акциядорлик корхоналари очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилмоқда. Маҳаллий бюджетда маблағнинг кўпайиши натижасида шаҳарни деярли табиий газ билан таъминлашга эришилди. 3200 хонадон аҳли «зангори олов» хизматидан фойдалана бошлади. Шаҳримизда аҳоли зич жойлашган. Шу сабабли уй-жой муаммоси мавжуд. 228 хонадонга мўлжалланган уй-жой қурилиши давом этмоқда. Вилоят ҳокимлиги ёрдамида туман хўжаликларидан 72 гектар ер олиб берилди. Натижада 700 кишига ҳовлижой ажратилди.

Шаҳарга ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келади. Унинг ҳар доим тоза бўлиши учун қайғурамиз. Айтишларича, Амир Темур даврида ҳам шаҳарда қувурлар бўлган. Кейинги пайтда бу ишга ҳеч ким эътибор бермай қўйган эди. Шаҳар ҳокимлиги бу ишни ўз зиммасига олиб, шу йилнинг ўзида 4,5 километр узунликда канализация қувурларини ётқизди. Бош канализация иншооти қуриб битказилди.

Шаҳрисабзга тангри назари тушган. Бу ернинг самимий одамлари қуршовида бўлганингизда, шаҳар бежизга буюк Темурни бермаганига яна бир карра иқрор бўласиз.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЧМАС МУЛК — БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«ТОШЛОҚ» ЧОЙХОНАСИ

Шаҳарнинг Ш. Рашидов номли марказий кўчасида, марказий универсал дўкони ёнида жойлашган. 1 қаватли, бир йўла 150 кишига хизмат қилади. Алоҳида 3 та овқатланиш залига эга бўлиб, замонавий ганч, ўймакорлик ишлари усулида жиҳозланган. Замонавий миллий меъморчилик усулида қурилган.

Бошланғич баҳоси — 636 минг сўм.

«ЖИЗЗАХ» МЕҲМОНХОНАСИ

Шаҳарнинг марказий кўчаси — Тошкент—57 кўчасида жойлашган, умумий майдони 3250 кв.м. 4 қаватли, пишиқ ғишт билан 1976 йилда қурилган. Меҳмонхона II-разрядли, 132 ўринли, 82 хонадан иборат. Биринчи қаватида 100 ўринли ресторан буфет, оёқ кийимларни тузатиш устахонаси, сартарошхона, аэрофлот кассаси мавжуд. Меҳмонхона атрофи ободонлаштирилган.

Бошланғич баҳоси — 297 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ШАХСИЙ УЙ

Жиззах шаҳридаги Проектний кўчасида жойлашган. Уй биносининг деворлари тош ва ғишт блокларидан ишланган. Қурилган хонаси 8 та бўлиб, меҳмонхона, ошхона ва ертўлаларга эга. Уйнинг устки қисми ёпилмаган ҳамда шувоқ ишлари бажарилмаган.

Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.

АВТОКОРХОНА БАЗАСИ

1985 йилда қурилган. Ульянов шаҳри катта Ўзбектрактининг Ульянов—Ховос йўлининг ўнг томонидан 300 метр нарида жойлашган. Автомашиналар майдони айвончалар билан беркитилган, созлаш чуқури ҳам бор. Омборхонаси, 30 куб м. сув сақлагичи мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

МОЛХОНА БИНОСИ

100 бош қорамолга мўлжалланган. Молхона Зомин ғумани марказидан 3 км. масофада жойлашган. Ер майдони — 1 гектар, 2 хонали уй бор. Водопровод крани, ем сақланадиган омборхона ва пешайвони бор. 1981 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, томи шифер билан ёпилган.

Бошланғич баҳоси — 83 минг сўм.

КАШШОФЛАР УЙИ

Зомин туманининг марказий кўчасида жойлашган, 12 хонадан иборат, олди томони замонавий меъморчилик усулида қурилган. Устки қисми плитадан, деворлари эса пишиқ ғиштдан ишланган.

Кашшофлар уйини воситачи дўкон, сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси, кийимлар тикиш цехи йўналишида ишлатиш мумкин. Қисмангина таъмирлаш ишлари талаб қилинади. 1993 йилда қурилган.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИНОСИ

Зафаробод тумани Алексеевский давлат хўжалиги марказида жойлашган, 1974 йилда қурилган, 2-қаватли, атрофи мармар крошка қилинган. Олдида боғи бўлиб, тахта панжара билан ўралган.

Бошланғич баҳоси — 22 минг сўм.

ПАХТАКОР ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ РЕСТОРАН

Пахтакор туманидаги Пахтакор ширкат хўжалиги марказида, темир йўл ёнида жойлашган. 2 қаватли бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган. Девори мармар крошка қилинган. 1-қаватида ошхона ва савдо дўкони мавжуд. 2-қаватида ошхона зали ва буфет бор. Аҳоли гавжум жойда жойлашган.

Бошланғич нархи — 20 минг сўм.

ҲАММОМ

Пахтакор шаҳрида жойлашган. 1971 йилда пишиқ ғиштдан қурилган. 50 ўринли. 1993 йилда охирги марта капитал таъмирланган. Электр ва газ, водопровод билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 14 минг сўм.

ОШХОНА

Жиззах вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувига қарашли ошхона Жиззах тумани 76-от заводи «Равот» қишлоғи ҳудудида жойлашган. Ҳар томонлама талаб режасига жавоб берадиган ҳолда қурилган, омборхонаси ҳам мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 13 минг сўм.

УНИВЕРМАГ ДЎКОНИ

Жиззах тумани Бобур давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган савдо шохобчасининг биноси ҳар томонлама талаб даражасига жавоб берадиган ҳолда 1979 йилда қурилган. Ҳозирги кунда универмаг дўкони жорий таъмирлашни тақозо этади.

Бошланғич баҳоси — 65 минг сўм.

ШАХСИЙ УЙ

Шахсий уй (ҳовли) шаҳарнинг марказида, яъни Токчилик кўчасида жойлашган 4-уй. Шаҳар ҳокимияти ва ўзбек-турк лицейи ёнида. 4 хонали, газлаштирилган, ҳовлида гараж бор, алоҳида ҳаммом, моллар учун қурилган бостирмалари мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.

«САМАРҚАНД ҚУДУҚ» РЕСТОРАНИ

«Жиззах» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бу ресторан туманлараро йўл бўйида жойлашган.

«Самарқанд қудуқ» тарихий жой бўлиб, чойхона, ошхона, сомсахона, кабобхона мажмуига эга, 7 гектар мевали боғи бор.

Бошланғич баҳоси — 161 минг сўм.

ВИЛОЯТ ТАЙЕРЛАШ ИДОРАСИГА ҚАРАШЛИ ХЎЖАЛИКЛАРДАН:

Жиззах туманидан — 150 бош қорамолга мўлжалланган ёрдамчи хўжалик.

Бошланғич баҳоси — 30,5 минг сўм.

Зарбдор туманидан — 50 та қорамолга мўлжалланган ёрдамчи хўжалик.

Бошланғич баҳоси — 7,5 минг сўм.

Бахмал туманидан — 50 ўринли, 1993 йилда ишга тушган чойхона.

Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

Жиззах шаҳридан — «ГАЗ—52» автомашинаси (Автолавка).

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

Жиззах шаҳридан «ГАЗ—52» автомашинаси (Бортовой).

Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.

«КаМАЗ 5320» автомашинаси, шахсий.

Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

Телефонлар: (372-22) 3-30-18,

(3712) 67-17-55.

• 1994 йил—Оила йили

ТУҒИЛИШ КИМДА КЎПУ, КИМДА ОЗ?

Оила ва жамият бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунча. Жамият оилалардан ташкил топади, оила эса ўз ўрнида жамият бағрида вужудга келади, ривожланади. Бошқача қилиб айтганда, оила—табиий-биологик, никоҳ, қариндошлик, маънавий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар асосида инсонларни бириктирувчи жамиятнинг кичик бир бўлаги. Айни пайтда оиланинг жамиятда ўз вазифалари ҳам мавжуддир. Бу вазифалар жамиятнинг давомийлигини таъминлаш, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, уларни кундалик ҳаёт зарурияти билан таъминлаб туришдан иборат.

Оила зиммасидаги вазифалар бир неча қисмларга бўлинади. Оиланинг авлод яратиш вазифаси — жамиятни давом эттирувчи авлод яратиш, яъни инсон зотини давом эттириш (фарзандларнинг туғилиши), оиланинг тарбиявий вазифаси — оиладаги фарзандларни тарбиялаш, камолга етказиш, оиланинг иқтисодий вазифаси — оила аъзоларини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа яшаш учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш, оиланинг ижтимоий вазифаси — оила аъзоларининг табиатга, жамиятга ўзаро муносабатини шакллантириш, дам олиш ва саломатлигини тиклашдир.

Булар оила ҳаётининг турли қирраларини акс эттиради ва шу сабабдан уларни ўрганиш ҳам турли соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқот мавзуидир. Жумладан, оиланинг авлод яратиш вазифасини, асосан, демография ва тиббиёт соҳалари олимлари, тарбиявий вазифасини таълим-тарбия соҳасидаги мутахассислар, иқтисодий вазифасини иқтисодчи олимлар, ижтимоий вазифасини эса социологлар ва бошқалар ўрганади.

Биз ушбу мақолада оиланинг авлод яратиш вазифаси ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бу асосан туғилиш кўрсаткичлари билан ифодаланади. Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар қаторига киради. Мисолларга мурожаат этайлик: Дунёдаги энг юқори туғилиш Африка халқларида бўлиб, ҳар бир оилада ўртача олти-етти нафардан фарзанд бўлса, энг кам туғилиш Европада истиқомат қилувчи халқларда. Кузатувларга қараганда, аксарият оилалар фақат бир-икки нафардан фарзанд кўришар экан. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич тўрт-беш нафарни ташкил этади.

Сайёрамизда туғилишнинг ҳудудлар бўйлаб бундай фарқ қилиши аввало у давлат аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасига, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигига ҳамда шу давлат халқининг асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келган миллий урф-одатларига, қолаверса, диққа боғлиқдир. Булардан ташқари, туғилишга аҳолининг жинс ва ёши бўйича тақсимланиши, никоҳдан ўтиш ва ажралиш кўрсаткичлари каби қатор демографик, психологик омиллар, медицина ривожланиши ҳамда ҳар бир давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳам таъсир қилади.

Маълумотларга қараганда, кейинги 20—25 йил ичида дунёнинг деярли ҳамма қисмида туғилишнинг камайиши кузатилмоқда. 1970—1990 йиллар давомида туғилишнинг энг тез камайиши Шимолий Америкага тўғри келади. Унинг асосий сабабларидан бири шаҳар аҳолисининг ўсиши бўлган. Масалан, АҚШда шаҳар аҳолиси 1950—1990 йилларда 64 дан 75 фоизгача, Канадада эса 76 фоизгача ўсган. Бундан ташқари, туғилишнинг камайишига аёлларнинг ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда қатнашиши ҳам сабаб бўлган. Канадада 1931 йили моддий ишлаб чиқаришда қатнашувчи аҳолининг 17 фоизи аёллар бўлган бўлса, кейинги пайтларда бу кўрсаткич қирқ фоиздан ошиб кетди. Шимолий Америкада туғилишнинг камайишига олиб келган муҳим сабаблардан яна бири — ажралишнинг никоҳдан кўплигидир. Табиий ҳолки, никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оилада бола сонининг ўз-ўзидан камайишига олиб келади.

Баъзи жойларда давлат томонидан олиб борилаётган туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёсат ҳам туғилишнинг камайишига олиб бормоқда. Буни хорижий Осиёнинг энг йирик давлатлари — Хитой ва Ҳиндистон мисолида кўришимиз мумкин. Хитойда оилада болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан бошлаб аҳоли ўртасида туғилишни камайтириш учун қатор тадбирлар қўллана бошланди. Натижада, Хитойда туғилиш кескин камайди. БМТ маълумотларига қараганда, 1970—1974 йил ҳар бир аёл ўртача 4,8 фарзанд кўрган бўлса, кейинги йилларда — 2,1 тадан фарзанд кўришган. Бу мамлакатда 2000 йилга бориб табиий ўсишни нолга туширишни мўлжаллаганлар. Маълумки, хорижий Осиё аҳолисининг етмиш фоиздан кўпроғини Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ташкил этади. Шунинг учун ҳам Хитой ва Ҳиндистонда туғилишнинг нисбатан камайиши бутун хорижий Осиё бўйича туғилиш кўрсаткичига таъсир қилади.

Туғилишнинг ана шундай камайиб бориши собиқ Иттифоқ таркибидаги халқларда ҳам кузатилади. Кейинги эллик беш йил ичида собиқ Иттифоқ ҳудудида туғилиш деярли икки марта камайди. Бироқ барча жумҳориятларда бир текисда эмас. Болтиқбўйи, Белорусь, Молдова, Россия ва Украина каби хўжалигида саноат етакчи бўлган жумҳориятларда туғилиш кескин камайиб кетди. Ўрта Осиё республикаларида эса туғилишнинг камайиш жараёни, кескин бўлмаса-да, кузатилади. Туғилиш жараёнинг камаяётганлиги оилада бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва ундан кейинги бўлиб туғилган болалар салмоғининг қисқариб боришида аниқ кузатилади. Агар 1970 йили Ўзбекистонда жами туғилган болаларнинг 43,1 фоизини оилада беш-ўнинчи ва ундан кейинги бўлиб туғилган болалар ташкил қилган бўлса, 1990 йил эса бу рақам 14,3 фоизни ташкил қилди.

Туғилиш жараёнида бўлаётган ўзгаришларни яна ҳам батафсил ўрганиш учун Тошкент Давлат дорилфунуни Аҳолишунослик илмий-тадқиқот лабораторияси ходимлари томонидан ўлкамизда 1968, 1978, 1988, 1991 йилларда аҳоли ўртасида махсус демографик тадқиқот ўтказилган. Бундан шу нарса маълум бўлдики, ўзбек оиласида туғилган болалар сони катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари камайиб борган. Масалан, 1900—1910 йилларда туғилган ўзбек аёллари ўртача тўққиз-ўнтадан фарзанд кўрганлар. 1911—1939 йилларда туғилган аёлларнинг ҳар бири эса ўртача олти-еттитадан фарзандли бўлишган. 1935—1939 йилда туғилган қишлоқда яшовчи аёлларнинг 38,2 фоизи етти-ўн ва ундан ортиқ фарзанд кўрган бўлса, 1940—1944 йилда туғилган аёлларда бу кўрсаткич 28,6 фоизни ташкил қилган, қолган 32,2 фоизи беш-олтитадан ва 39,2 фоизи бештагача фарзанд кўришган. Шундай қилиб, туғилишни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда аҳоли ўртасида олиб борилган демографик тадқиқотларда кўрсатилишича, ўлкамизда туғилиш даражаси кейинги 15—20 йил мобайнида бирмунча камайган, Агар 1970 йилда Ўзбекистонда ҳар бир аёл ўзининг бола кўриш даврида ўртача беш-олтита фарзанд кўрган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 4,1 ни ташкил қилди. Мутахассисларнинг ҳисоблашига қараганда, аҳолининг нормал кўпайиши учун юқоридаги кўрсаткич 2,5—3 атрофида бўлиши керак экан. Бу рақам туғилишнинг фанда тасдиқланган мезони ҳисобланади. Агар шу кўрсаткич қайси бир давлатда 2,15 дан қамайса, демак давлатнинг аҳолиси келажакда борган сари камайиб бораверади. Аксинча, агар ушбу кўрсаткич 4 дан ошса, шу давлатда аҳоли сони тез ўсиб боради.

Демак, Ўзбекистонда туғилишнинг ҳозирги даражаси юқори бўлиб, аҳолининг ўсиб бораётганлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида кўплаб янги-янги оилалар вужудга келиши ва аҳоли ўсиб боришининг доимийлигини тўла таъминлайди.

Мамлакат БУРИЕВА,
Тошкент Давлат университети география факультети қошидаги Аҳолишунослик илмий-тадқиқот лабораториясининг мудири, иқтисод фанлари номзоди.

• СПОРТ

«МАШЪАЛ» ИЛДАМЛАМОҚДА

● Биринчи лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги учрашувлари ўтказилди.

Ягона пешқадам бўлиб турган «Машъал» футболчилари бу галги учрашувни сафарда — Урганч динамочилари билан ўтказдилар. Учрашув 3:1 ҳисобида машъалчилар фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, «Машъал» 37 очко билан мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Бу гал Самарқанд динамочилари ҳам бўш келишмади. Улар «Норин» футболчиларини қабул қилиб, дарвозага иккита жавобсиз тўп киритдилар. Бу ютуқ динамочиларни 33 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишга имкон берди. «Қўшон» 31 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди. «Зарафшон» ҳисобида 30 та очко бор. «Мебелчи» — «Бағдод» (1:0), «Ситора» — «Олтинкўл» (2:0) учрашувларида майдон эгалари устун келди. «Кимёгар» — «Зарафшон», «Ғазалкент» — «Прогресс» ўйинларида ҳисоб очилмади.

ЛИНА ОЕҚҚА ТУРДИ

● Машҳур чанғичи, жаҳон кубоги соҳиби Лина Черязованинг номини мухлислар яхши билишади.

Мамлакатимиз спорт шарафини жаҳон майдонларида муносиб ҳимоя қилиб, мухлислар эътиборини қозонган бу спортчи кутилмаганда бахтсиз ҳодисага учради. У АҚШнинг Лейк-Плэсид шаҳридаги ўқув-машқ марказида маҳоратини тобига етказиш вақтида йиқилди. Энг қийин машқлардан ҳисобланган муаллақ ҳолатда уч карра айланиш, яъни салтони бажараётиб, сунъий қиялик қиррасига боши билан урилди. Мутахассислар бу ҳодисани ўрганиб, чанғи-туфлисининг боғичи панд берган, деган хулосага келишди. Спортчимиз Вермонт штатининг Бэрлингтон тиббиёт марказида икки ҳафта беҳуш ётиб қолди. Республикамиз спорт жамоатчилиги кўплаб мухлислар, ҳатто халқаро олимпиада қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам бу воқеадан ташвиш тортдилар. Лекин тажрибали шифокорлар хавфнинг олдини олишди. Лина ўзига кела бошлади. Ҳозир океанорти билан телефон орқали муомалалардан маълум бўлишича, Лина оёққа туриб, оддий машқларни бажаришга киришган. У яқинда Ватанига қайтади.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИ КЎЗЛАБ

● Ўзбекистон спортчилари ой-юлдузли байроғимиз остида биринчи марта энг йирик спорт анжумани — Осиё ўйинларига ҳозирлик кўрмоқдалар.

Маълумки, бундай спорт анжуманларида ҳар бир мамлакат вакиллари ўз байроқларини кўтариб, бошқалардан ажралиб турувчи спорт кийимларида майдонга кириб келадилар. Мусобақанинг ўзига хос бу шартини амалга оширишда Тошкент «Малика» акциядорлик бирлашмаси чеварлари ғайрат кўрсатишмоқда. Улар Хиросимада бошланадиган йирик мусобақада қатнашувчи республикамиз йигит-қизларини бирлашмада тайёрланган ажойиб кийим-бошлар билан таъминлашади. Ҳозир уч юзта оқ, қизил, яшил рангли футболка, 200 та жун-газмолдан тикилган костюм тайёрланяпти. Бу кийим-бошларнинг барида истиқлол юртимиз рамзи, байроғи ва «Ўзбекистон» ёзуви бўлади.

ҲАК-ХУКУКИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Эрим билан рўйхатдан ўтмай яшадик. Бир ўғлимиз туғилган. Лекин унинг фамилияси менинг номимда эди. Эрим яқинда автомобиль ҳалокатида вафот этди. Мен туман социал таъминот бўлимидан нафақа олгани борсам, улар менга рад жавоби беришди. Шу тўғрими? Эримдан қолган мерос ҳам бор, уни қандай олсам бўлади?

Муҳаррам ИБРОҲИМОВА,
Самарқанд вилояти.

ЖАВОБ: Сиз аввало эрингиз ўлгани ҳақидаги ҳужжатни, ўғлингиз туғилгани ҳақидаги гувоҳномани, яшаш жойидан маълумотнома, эрингизнинг ота-онаси ёки уни билган дўстини гувоҳ тарзида олиб, яшаб турган жойингиздаги туман халқ судига ариза берасиз. Суд Ўзбекистон Республикасининг гражданлик — процессуал кодексининг 274-моддасига асосланиб оталик фактини белгилаб, қарор чиқариб беради. Сўнг нафақа ва мол-мулк меросхўрлигини нотариал идора сизга ҳал қилиб беради.

* * *

САВОЛ: Туман халқ судида қатнашган халқ маслаҳатчисини нотўғри қатнашяпти, деб судга ариза бердим. Суд уни четлаштирмади.

Шерзод УСМОНОВ,
Андижон вилояти.

ЖАВОБ: Ишни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг гражданлик процессуал кодекси 18, 19-моддаларига асосланиб, халқ маслаҳатчиси шу ишда манфаатдорлиги ёки унинг беғаразлигига шубҳа бўлмаса у судда қатнашиши мумкин. Буни ўша суд ҳайъати холисона кўриб чиқади.

* * *

САВОЛ: Қўшним жанжал қилиб, беҳурмат қилди. Уни кечирим сўрагин, десам қўшнилар орасида ёмон сўзлар билан ҳақоратлади.

Акбар ИСМОИЛОВ,
Денов тумани.

ЖАВОБ: Сиз бу тўғрида Денов туман халқ судига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 7-моддасига асосланиб шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳақида ариза беришга ҳуқуқингиз бор. Гувоҳлар тасдиқласа, суд орқали қўшнингизга нисбатан жазо тайинланиб, у сиздан кечирим сўрайди.

* * *

САВОЛ: Отам ўлимидан сўнг унинг номида қолган уйни ўз номимга расмийлаштирмоқчи эдим. Лекин бир муаммо чиқиб қолди. Отамнинг фамилияси Ҳабибуллаев, Меники Ҳабибов. Шунинг учун нотариал идора ҳужжатларни тўғрилаб бермаяпти.

Иброҳим ҲАБИБОВ,
Термиз шаҳри.

ЖАВОБ: Сиз бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодекси 274-моддаси 1-бандига асосланиб, отангизни билган гувоҳлардан — 2,3 кишини топиб халқ судига ариза беринг. Суд ҳайъати ишни кўриб, фактларни ва сизнинг отангиз билан боғлиқ бўлган муносабатларингизни аниқлаб, қарор чиқариб беради. Шундан сўнг Сиз Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 579-моддасига кўра, меросхўр бўлиб, отангизнинг уйини нотариал идорали орқали қонуний расмийлаштириб оласиз.

Забихилло МУҲАМАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

КУЗ ОҒУШИДА.

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

ҲИКМАТ—ХАЗИНА

Суқрот ҳаким айтади:

— Агар бировни ўзингизга дўст қилиб олмоқчи бўлсангиз, унинг таржимаи ҳолини шундай ўрганинг!—Биринчидан, у киши ёшлик вақтида ўз ота-онасига қандай муомалада бўлган? Иккинчидан, қариндош ва ўртоқлари унинг муомаласидан рози бўлганми? Учинчидан, у одам ёшлик даврини кечиргандан кейин гўзал муомаласи билан ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этганми ёки бад муомала эгаси бўлиб, ҳаммани ўзидан бездирганми? Тўртинчидан, биров унга яхшилик қилган бўлса, у одамдан миннатдор бўлганми? Унга ҳам яхшилик қилганми? Бешинчидан, кайф-сафо; айш-ишратга берилмаганми? Фақат ўз манфаатини кўзламайдими?

* * *

Араб фозилларидан Асмаий айтади:

— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. Дўстим бир киши сиғардик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан?— деган эдим, у айтди:

— Икки душман бутун ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

* * *

Арасту ҳаким айтади:

— Тўғрилик учун қурбон бўлиш — ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.

* * *

Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишилардан бирига кўнглида яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлаган эди, лекин у Искандарнинг сирини узоқ сақлай олмай ичи пишиб, бир дўстига айтди. Дўсти бир кишига, у бошқасига айтди. Шундай қилиб сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирининг ошкор бўлганидан ортиқ даражада ғазабланган Искандар устоди Арастуга:

— Эй ҳаким, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтган эдим, у киши сиримни сақлай олмай ошкор қилган, мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз?— деди.

Арасту ҳаким:

— У кишига жазо беришга ҳаққинг йўқ, ўзинг айтдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб бировга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай қилиб сақлай олсин.— деди.

Абдурашид ҳожи ДАДАХЎЖА ўғли тайёрлаган.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида республика ички ишлар идоралари ходимлари «Қорадори—94», «Ҳосил—94», «Тартиб», «Тун» ва «Тозалаш» каби тадбирларни ўтказиш маҳалларида айрим шахслар томонидан содир этилаётган қотиллик, порахўрлик, товламачилик ва зўравонлик сингари кўплаб жиноятларни очмоқдалар. Қуйида уларнинг айримларини келтирямиз.

БОҒЧА ОПА ПОРА ОЛДИ

Марғилон шаҳридаги «Ромашка» боғча мудираси «ноёб» аёллардан чиқиб қолди.

Айниқса, унинг ишбилармонлик бобидаги «иқтидори»ни кўрганлар, эшитганлар бехосдан «Э, қойиле ўз бошини ўзи ебдия» деб юборади.

«Ромашка»даги кичкинтойларнинг энг катта боғча опаси янги боғча опасини ишга қабул қилиш учун 300 сўм пул ва бир кийимлик атласни пора сифатида олаётганда ички ишлар ходимлари қўлига тушиб қолди.

УЧРАШУВДАГИ ВИДОЛАШУВ

Самарқанд шаҳрининг Сўғдиёна мавзесидаги хонадонлардан бирида қадрдон синфдошлар жамланишганди. Собиқ синфдошлар дийдорни ўйин-кулги, қаҳқаҳа ва мароқли суҳбатлар билан нишонлаётганди. Аммо, улфатчиликда икки синфдош чиқишолмай қолса денг. Уларнинг бири иккинчисининг кўкрагига санчиб олган пичоқ зарбидан ҳушидан кетди-ю, шу куниёқ ёруғ олам билан хайрлашди.

Синфдошларнинг бу учрашув кечаси видолашув кунига айланди. Сўнгра улар қадрдон партадошини нариги дунёга кузатган «зўрни» тергов идорасига кузатиб қолдилар.

МЕҲМОННИ ТУНАГАН МЕҲМОН

Товба, «гадонинг душмани гадо бўлади»,—деб кўп айтамизу, аммо меҳмонларнинг ҳам бир бирининг оёғидан олиши мумкинлигига сира эътибор қилмас эканмиз.

Шу ойнинг ўрталарида Тошкент Шимолий вокзали ички ишлар бўлимига мурожаат қилган киши «Мен Эстониядан келгандим. Исмим Каараамаа Рейн Александрович, кутиш залида ўтиргандим кимдир сумкамни ва 215 минг сўмлик юкларим билан 63 минг рублимни ҳам олиб кетиб қолди» деб, кайфиятсиз ҳолда кириб келди.

Ички ишлар ходимлари томонидан тезкор кўрилган чора-тадбирлардан сўнг шу нарса маълум бўлдики, меҳмоннинг сумкаси ва пулини ўғирлаган киши ҳам Тошкентга меҳмон бўлиб келган экан. Янгиер шаҳарлик бу меҳмон ички ишлар ходимлари томонидан фош этилди.

Ш. РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими.

УРЧУҒИМ

ШАҲРИСАБЗЛИК ТОШМУҚУМ МОМОНИНГ АЙТИМЛАРИ

Урчуғим поёсидан учди қушим,
Чаримгар чорбоғига тушди қушим.
Чаримгар чорбоғидан гул ола қайт,
Гулни қўйиб манга булбул ола қайт.

Бизни ёр бозорма-бозор қатнади
Отини қовурғалари чаннади,
Отаси от қўрмаган оромижон,
Кечани кундуз демаган оромижон.

Кичкина чорбоғ ичинда чарх уриб ётган йигит,
Салласин кўкракка қўйиб бир ғазал айтган йигит.
Саллангиз марварид экан шохга илдирмангиз,
Биз икков дўст бўлайлик, душманга билдирмангиз.

Абдулла Қодирий номли мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси
Собир ЭШМАТОВ ёзиб олган.

• ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ДЎСТЛАР

Нақадар оғир. Ёлғизлик асабни кемиради, жонни емиради. Дўстларимни қўмсайман. Қаердасизлар, бирадарлар? Сизларни бир кўриб, тўйиб-тўйиб суҳбатлашсам, армоним йўқ эди.

Жимжитлик.

Соат чиқиллайди.

Хона ютвораман дейди.

Ногаҳон эшик тақиллайди.

Очаман.

Кўз таниш бир кимса турибди. У кулади, юзига табассум ёйилиб хандон кулади. Мен эса уни қаерда кўрганимни зўр бериб эслашга ҳаракат қиламан. Эсладим. Бир-икки марта суҳбатлашганмиз. Ишхонамизга ҳам келиб турарди. Илгарилари бундай танишлар сон-саноқсиз бўлган.

Ҳозир у кўзимга ўтдек кўриниб кетади. Уни ўтқазишга жой тополмайман. Суҳбатимиз қизигандан қизийди. Кўнглим тоғдек кўтарилиб кетади. У яна келишини айтиб, хайрлашганда эса маъюс тортиб қоламан.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейдилар. Яна ишим ўнгланиб кетди. Яна давра тўлди.

Ҳамма менинг кайфиятимни сўрайди. Мана кўрдингми, ҳаммаси яхши бўлиб кетди, деб кўнглимни кўтаришади. Ўзларини менга яқин олишга ҳаракат қилишади.

Мен эса маъюсман. Ногаҳон эшигимни тақиллатиб кириб келган дўстим, сени кутяпман. Бошимга кулфат тушиб, бир оғиз ширин сўзга зор бўлган пайтларимда ҳам ҳозиргидай ҳеч кимни кутмаганман. Оғир кунларимда ҳамдам бўлган эй, дўсти ғариб қўлларингни тут, сенинг олдингда бош эгайин. Сендан эса дарак йўқ.

Икки кўзим эшикда.

Эшик тақиллармикин?!

Яхши дўст оғир кунларингда ҳам, қувончли кунларингда ҳам бирдек шерик бўлиши керак.

Шу умид мени юпатади.

ЖАЗО

— Бахтиёрман, бахтимни энди топдим, — дейсан сен аҳвол сўраганларга.

— О, нақадар бахтлиман, — ҳайқираман мен. — Эссиз сен билан ўтган умрим. Толеимга шукр, кечроқ бўлсаям унга мушарраф бўлдим.

Шу билан овунамиз. Овунамиз-у, бир нарсани ўйламаймиз. Шунинг учун юрак қурғур ҳар доим ғаш. Нимадир кам, нимадир етишмайди.

Сен ўзга ёр билан, мен ўзга ёр билан ҳамдаммиз, ҳамфикрмиз. Турмуш ташвишлари бизни ўз комига тортади.

Бир нарсани ўйламаймиз. Фарзандларимизни...

Улар бахтиёрмиканлар?

Отасиз улғаётган нарасидаларнинг қалбига қулоқ соладиган ҳеч ким йўқ. Улар бизларнинг жиззакилигимиз, енгилтаклигимиз, ҳаётни ўйинчоқ деб билганлигимизнинг жабрини тортяптилар. Улар азобда, бизлар ўз роҳатимизни ўйлаймиз.

Кўнгил яримта.
Кўнгил ғаш.
Гоҳо ёш милтирайди.

Ажабо, бу тақдирнинг менга берган жазоси эмасмикин?..

Бу жазога чора ҳам, малҳам ҳам йўқ. Аёвсиз, ададсиз жазо.

Абдулфайз БАРОТОВ

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси институт ходими Фарҳоджон Ҳайитбоевга волидаи муҳтарамаси ҚУРБОНЖОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.50
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. ШАКАРОВ, А. РЎЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.